



НАРЦИССИЗМ СИНДРОМИ

4-бетда

ВИЖДОНИНГИЗ ҚИЙНАПДИМИ, УКАМ?!

6-бетда

ҚИЗ УЗАТГАНГА ҚИРҚ ЙИП ТЕГМАНГ

8-бетда

Ошда Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислои КАРИМОВ

28 (1283)-сон 13 июль 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

ГУЛЛАБ - ЯШНАЁТГАН ГУЛЛАР ДИЁРИ

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди. Шоир бу ўлмас сатрлар орқали ота маконимиз – Ўзбекистонга жуда ҳаққоний таъриф берган. Президентимиз таъбири билан айтганда, жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Бугун мана шу улуг туйғу ҳар бир юрдошимизнинг дилига жо бўлиб, ҳаётининг мазмунига айланиб бормоқда. Эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссининг кучайиб бораётгани шаҳару қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда. Буни водий гавҳари дея таъриф бериладиган Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ахсикент, Мунчоқтепа, Ойри-том, Мугтепа сингари минг йилликлар билан туташ тарихий ва меъморий ёдгорликлари, бой ва бетакрор қадриятлари, гўзал урф-одатларини кўз-кўз этиб келаётган ҳунармандчилик намуналари, ер қаърида ястаниб ётган подир қазилма бойликлари, сўлим ва хушманзара жойлари, шифобахш сувлари билан донг таратган Наманган вилояти бугунги кунда овоз мамлакатимизнинг обод ва нури манзилларидан бири саналади. Вилоятнинг қайси бир шаҳар ёки қишлоғига борманг, одамлар кўнглида эртанги кунга ишонч, хотиржамликни ҳис этасиз. Таъбир жоиз бўлса, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган киши борки, бунёдкорлик, яратувчилик завқи билан яшамоқда. Ёшларнинг шижоатини, кўпни

кўрган кишиларнинг бугунги тинч-осойишта кунларга бўлган шукронасини кўриб кўнглингизга ажиб бир ёруғлик инди. Нурунийлардан кечаги кун билан боғлиқ хотираларини эшитганда эса дилингизда оғриқ пайдо бўлиб, бу кунларга, бу ютуқларга осонликча эришилмаганини ҳис этасиз.

Яқин ўтмиш билан боғлиқ мабалаарнинг гувоҳлик беришча, мустақиллик арафасида бутун Ўзбекистонда бўлгани каби иқтисодийети ҳар томонлама марказга қарам бўлган ва асосан, хомашё етиштириб беришга ихтисослаштирилган Наманганда ҳам аҳвол жуда оғир эди. Ўша даврларда экин майдонларининг асосий қисмини эгаллаган ва халқнинг оғир меҳнати эвазига етиштирилган пахта арзон-гаровга марказга ташиб кетилган. Ҳаммаёқни гўза майдонлари эгаллаб олгани туфайли мева ва сабзавот етиштириш жуда камайиб, бори ҳам вагонларда шимолий ўлкаларга жўнатилган. Аҳоли зич жойлашган бу ҳудудда шахсий томорқа хўжаликларининг деярли йўқлиги, бори ҳам “давлат назоратидаги ер”га айлантирилиши одамларнинг ўз ҳовлисида ҳатто гул экиб, шуддан завқланишига ҳам имкон бермаган.

– Турмуш ўртоғим табиатан гулни яхши кўргани учун келин бўлиб тушганимдан сўнг ҳовлимизга гул экиб, гулзорга айлантироқчи бўлди, – деб эслайди уйчилик Турсунхон Асқарова. – Аммо, бунга қарангки, шунга ҳам руҳсат беришмаган. Ҳозир бутун оиламиз гулчилик билан шуғулланади. Шунинг орқасидан


тўйлар ўтказиб, фарзандларимизни уй-жойли қилаяшимиз. Юртимизнинг кўплаб ҳудудларига гул кўчатлари етказиб бериб, ободончилик ишларига ҳисса қўшаяшимиз.

Собиқ тузум давридаги маъмурий буйруқбозлик тизими ва пахта яккаҳоқимлиги сиёсати одамлардаги турмушдан, ҳаётдан мамунлик ҳиссини тортиб олган эди. Юқориди айтганимиздек, ўша пайтда вилоятда уй-жой қуриш масаласи ўта кескин тус олган муаммолардан бири эди. Томорқа майдонларининг ажратилиши бу муаммони биров ҳал этган бўлса-да, уй-жойни тартиб ва дид билан қуриш масаласи долзарблигича қолаверди. Бу борадаги ишлар ўз ечимини айнан мустақиллик йилларида топди. Жумладан, юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам шаҳару қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириш, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Чиройли ва пинам, барча шароитларга эга уйлар нафақат худудлар қиёфасига кўрк бағишламоқда, балки одамларнинг онгу-тафаккури, турмуш тарзининг юксалишида ҳам қатта ўрин тутмоқда. Яъни, ўша замонлардан ўрнашиб қолган: “Бизга шуниси ҳам бўлаверади, қишлоқчилик-да”, деган уйлар эндиликда бутунлай барҳам топиб, “яшаш керак, яшаганда ҳам яхши яхши керак”, деган мақсад, эзгу ниат ҳаётда амалий ифодасини топаётир.

(Давоми 2-бетда)

Мен истиқлол тенгдошиман

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ
ЭКАНИМДАН ГУРУРЛАНАМАН



Хусан Жомуродов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Чирчиқ шаҳар Ахборот-маслаҳат маркази бош мутахассиси:

– Қутлуг кунлар шуқуҳи шу юрт фарзандиман деган ҳар бир юрдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғусини уйғотиши шубҳасиз. Ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишимда айнан, Истиқлол, Президентимиз яратиб берган имкониятларнинг ўрни беқиёс. Қашқадарё вилояти Қамаш туманида туғилганман. Ота-онам бизни ўқиб, жамиятга керакли инсон бўлиб етишимиз учун астойдил ҳаракат қилиди. Биз ҳам уларнинг ишончини оқлаш учун кўпроқ билим олиб, эришган ютуқларимиз билан жаваб қайтардик, деб ўйлайман.

Тошкент давлат аграр университетининг фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш факультетида ўқишга киргач, билимларимни янада мустаҳкамлаб, ўз устимда ишлашни ўргандим. Устозларимнинг сабоқлари ва йўл-йўриги туфайли мустақил бўлишни, мақсади сари дадил интилишни ўргандим. Ватанимизда билимли, эртанги кунга ишонган одам қадр топишини минглаб тенгдошларим ҳаёти мисолида кўриб турибман.

“Адолат” социал демократик партияси аъзосиман. Айни пайтда марказимиз таъбиркорлик субъектларининг мурожаатлари мониторингини юритиш, қайд этилган муаммолар ечими юзасидан тезкор хизмат кўрсатиш, жойлардаги тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришга доир барча масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш, жумладан, бизнес режа ва таъсис ҳужжатларини тайёрлашга ёрдам бериш каби йўналишларда хизмат кўрсатади. Ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган тенгдошларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Улар ўзининг пухта бизнес режаси асосида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, янги иш ўринлари яратишга, пиروвардида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бундай сазой-ҳаракатлар замирида буюк неъмат – мустақиллигимиз берган имкониятлар мужассам эканини юрак-юракдан ҳис қиламиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан ГУЛЛАБ - ЯШНАЁТГАН ГУЛЛАР ДИЁРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Бугун бу уйларида юртдошларимиз “Президент уйлари” деб катта шодийна ва қувонч билан ҳаёт кечирмоқда, – дейди шоир Зиёуддин Мансур. – Яратилган шароитларни кўриб, қалбингиз қувончга тўлади. Бу хайрли ишлар ҳамюртларимизга муносиб ҳаёт кечириниш учун хизмат қилиши билан бирга уларнинг турмуш маданиятини юксалтиришга катта ҳисса бўлиб қўшилаётгани ҳам эътиборга молик жиҳатлардан бири.

Дарҳақиқат, намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган янги кўчалару уларнинг икки ёнида қадирғочдек тизилган замонавий уйлари, хонадон эгаларининг кўнгилларига таширғи буюрсангиз, ободлик ва самимийликдан дилнинг эришади. Ўзи яшаётган жойни обод қилиш халқимизга хос фазилатлардан. Ота-боболаримиз қадимдан обод турмушни қўт-баракка белгиси, мустақкам оила қафолати сифатида қадрлаган. Бундай эзгу ишлар ҳозир ҳам замон талабларига мос равишда давом эттириляётгани ва айна пайтда янги замонавий уйларида яшаётган ҳамюртларимизнинг тўқиси ҳаётини кўриш кишига катта қувонч бағишлайди.

Узлуксиз ҳаракатда бўлмаган ва ўзини янгилаб бормаган одам ҳаётдан орқада қолиши янақ. Зеро, вақт доим олдинга интилади, шу боис тушунчалар эскириб боради. Аммо эзгуликка йўғрилган ҳеч бир иш асло ёддан кўтарилмайди. Бугун вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам шаҳарниқидан қолишмайдиған манзара ва шароитлар бор. Наманганликлар ҳам бу ўзгаришларнинг ўз-ўзидан бўлиб қолмаганини дилдан англайдилар. Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Наманганга таширғи буюрганида дилларга ўт солиб, одамларни янги ишларга даъват этгани, умид ва ишончга қанот бўлгани доимо


чоқда бу ерда 80 нафардан зиёд ишчи мураккаб технологик жараёнларни маромига етказиб бажармоқда. Гарчи, аввалга бутловчи қисмларнинг кўпчилиги хориждан келтирилган бўлса-да, маҳаллийлаштириш дастури асосида босқичма-босқич кўлаб деталларни шу жойнинг ўзида тайёрлашга ўтиляётир. Бугун корхонада “Норин” ёрлиги билан олти турда катталар ва болалар велосипедлари ишлаб чиқарилмоқда.

Франция, Италия подиумларида намойиш этиладиган миллий либосларимизни кимлар ва қандай тикаётганини билмоқчи бўлсангиз, Наманганга бир келиб-кетинг. Бу ерда ишлаб чиқариляётган ва хориж бозорларида турдош маҳсулотлар билан дадил рақобатга киришяётган кийим-кечакларнинг ўзимизда тикиляётганини кўриб қувонсангиз, ҳайратга тушасиз.

Наманган ақли кишлоқ хўжалиги соҳасида эришляётган беқиёс ютуқлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ҳозирги кунга келиб вилоятда галла, пахта билан бир қаторда мевали боғлардан ҳосил олиш кўрсаткичи ҳам ошиб бормоқда. Бу жараёнда интенсификациянинг барпо этиляётгани айниқса, қўл келмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришда фермер хўжаликлари ўз фаолиятини ишлаб чиқариш билан уйғун тарзда йўлга қўяётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Бозорлар ҳамма замонларда ҳам тўқин-сочинлик, тинчлик ва фаровонлик рамзи бўлиб келган. Хусусан, қадимги Шарқда мамлакат бойлиги ўша ердаги бозорлар сонига қараб белгиланган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда 18 бозор бор эди. Бугунга келиб миллий меъморлик услублари асосида барпо этилган ва ихтисослашган

миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, ёшлар қалбида уларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга ошириляётган ишлар маданият ва аҳоли дам олиш марказлари мисолида ҳам ўз ифодасини топтоқда. Капитал таъмирланиб, жиҳозланган ва чекка ҳудудларда ҳам замонавий кўринишда қад ростилаган бу марказларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолининг бўш вақтини мазмулли ташкил этиш, ёшларнинг амалий ва тасвирий санъат, рақс, созандалик, хорижий тиллар, спорт тўғрақларида ўз маҳоратини ошириши учун барча қулайлик яра-



тилгани ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу тамойилнинг амалдаги кўринишидир. Айни шу эзгу мақсад йўлида қилинаётган ишлар вилоят маркази саналган Наманган шаҳрида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Шаҳарларда ўтмиш билан замон ҳамоҳанг яшайди, деган гап бор. Буни Наманган мисолида ҳам кўриш мумкин. Президентимизнинг Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ, шаҳар марказини қайта таъмирлаш лойиҳаси бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ўтган асрдан қолган тор кўчалар ўрнини кенг ва замонавий йўللар, сўлим хиёбонлар, обод гузарлар эгаллади. Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри тудбан қайта қурилди. Наманган аэропорти ҳудуди ободонлаштирилиб, замонавий сугориш, ёритиш тизимлари ўрнатилди. Аэропортдан Дўстлик шоқкўчасигача бўлган йўл, Фаргона халқа йўли реконструкция қилинди ва йўл ўтказгич қурилди. Биргина 2010 йилда «Яшил бозор», «Ёшлар маркази», «Камолот боғи», «Хотира» хиёбони барпо этилди. Шунингдек, 20 дан зиёд таълим муассасалари, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.

Кўпчи кўрган кексаларнинг айтишича, авваллари Наманган кўчалари жуда тор, қоронги эди. Кечаси кўчага чиқишга одамнинг юраги дов бермасди. Бугун эса кенг ва ёруғ кўчалар, замонавий бинолар, сўлим хиёбонлар кеча-ю кундуз киши қалбига ўзгача завқ улашади. Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида янги турар жой даҳалари, кенгайтирилган кўчалардан тортиб, муҳташам сановат иншоотларига бунёд этиляётгани Наманганнинг гуллаб-яшнашида катта ўрин тутмоқда.

Шаҳар кўчаларидан юрсангиз, кўпқаватли муҳташам уйлар ва савдо мажмуаларига кўзингиз тушади. Улар аввалгиларга ўхшамайди. Замонавий ва миллий меъморлик анъаналари ажиб

жозиба бахш этган. Гулу гулзорлар, яшил ҳудудлар, ландшафт дизайни Наманганда ўзига хос шаҳарсозлик мактаби шаклланиганидан дарақ беради.

Шаҳар марказидаги “Баркамол авлод” спорт мажмуаси қачон қараманг, гавжум. У – ёшларнинг сеvimли маскани. Бу ерда бокс, футбол, бадний гимнастика, каратэ, сузиш билан шуғулланаётган ёшларнинг халқаро мусобақаларда эришяётган ютуқлари кишига ғурур бағишлайди.

Намангандаги учта олий ўқув юрти, ўилаб коллеж ва лицейлар, юзлаб мактабларда яратилган шарт-шароитлар ўйил-қизиларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай воёга етишларига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчасини солиштиришда ҳаёлимиздан биз кеча ким эдиғу, бугун ким бўлдиқ, деган фикрлар ўтади. Қувонарлиси, эртамиз эгаларига ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиған муносиб шарт-шароитларнинг муҳайё

этиляётгани ўз мевасини бераётир. Улар бугун мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказиляётган турли беллашув ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда.

Ҳозирда Наманган гўзал маҳаллаларию замонавий йўллари билангина эмас, балки ҳар жиҳатдан қулай, айна пайтда ҳашаматли иншоотлари билан ҳам мактанас арзийди. У наманганликлар кўз олдида обод ва замонавий шаҳарга айланди. Тасаввур қилинг, авваллари шаҳарда бир-иккитагина меҳмонхона булар ва уларда ҳам шароит ҳаминқадар эди. Агар вақтида ҳаракат қилмасангиз, аниқроғи, олдиндан банд қилмасангиз, етишга жой тополмай кўчада қолиш ҳам ҳеч гап эмас эди. Бугун-чи?

– Бугун “Истиқдол”, “Турон”, “Наманган” сингари ўилаб меҳмонхоналар куну тун хизматда, – дейди “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибни Равшан Мирзаимов. – Буям тараққиёт белгиси. Умуман олганда, мустақиллик йилларида Наманган вилояти, Наманган шаҳри бутунлай қайтадан бунёд этилиб, том маънода замонавий хиёфа касб этди. Янги ютуқлар қўлга кириштиди, ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти юксалди. Таълим, тиббиёт, санъат ва спорт соҳалари ривож янги босқичга кўтарилди. Энг муҳими, Истиклол меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини билдиган меҳмондўст ва меҳнатсевар наманганликлар ҳаётига, турмушига фаровонлик, хирмонига баракка, дастурхонига тўқинлик ва файз олиб келди, онгу тафаккури ва дунёқарашининг ўзгаришига туртки бўлди.

Бугун наманганликлар мана шундай шукроналик ҳисси билан энг улғу, энг азиз байрамимизни кутиб олмақда. Улар қатъий ишонч билан эртанги кунга боқмоқда, Ватан равнақи йўлида ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик берган энг олий неъматдир.



халқнинг тилида.

Кўп нарса солиштиришда, қиёслашганда кўзга ташланади. Бир пайтлар иқтисодиёти асосан кишлоқ хўжалиги билан шакллантирилган Наманган мустақиллик йилларида сановат тез суръатларда тараққий этаётган вилоятга айланди. XX асрнинг 90-йилларида битта дўқони бўлишни хаёлига келтирмаган одамларнинг фарзандлари бугун жаҳоннинг “манаман” деган корхоналари маҳсулотлари билан беллаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариб, ҳам ўзининг, ҳам элининг рўзгорига баракка олиб киравётир. Табиатан меҳнатқаш, изланувчан наманганликлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўймоқда.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини кўлаб амалга ошириляётган истиқболли дастурлар доирасида дунёга келган “Норин мечанисал плант” корхонаси ўзбек автомобиллари учун бир қатор бутловчи қисмларни ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга йилига 50 мингта велосипед тайёрлаш қувватига эга бу корхона ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида меҳнат ресурслари юқори бўлган Норин тумани учун аҳоли бандлигини оширишнинг янги имкониятини юзага келтирди. Айни

бозорлар сони қарийб 50 тага етди. Бу маълумот ҳам кейинги йилларда вилоят иқтисодиётининг нечоғли юксалганидан дарақ беради.

– Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, 1990 йилларда вилоят миқёсида бармоқ билан санарли ошхона, савдо дўқонлари бўлар, уям давлат ихтиёрида эди. Айтган, истаган маҳсулотингизни топиш, харид қилиш мушқул эди, – дейди ҳунарманд Неъматжон Солиев. – Буюк ипак йўлида жойлашган Наманган ва Чуст шаҳарларида азал-азалдан халқ ҳунармандчилиги юксак даражада ривожланган. Бу қадим шаҳарларда тайёрланган маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки Миср, Хитой, Шом ва Рум каби Шарқу Гарб ўлкаларида ҳам машҳур бўлган. Афсуски, соёбқ тузум даврида ҳунармандчиликка эскилик сарқити сифатида қаралди ва мен каби ўзи асаган маҳсулотини сотган кишилар “чайқовчи”, деб қамалди. Қадрлаган жойда қадрлидир инсон, дейилади халқимизнинг бир мақолида. Мустақиллик шарофати билан нафақат мен каби ҳунармандларнинг ўзи, балки кўзидаги ҳунари ҳам, меҳнати ҳам эъзоз топди.

Наманган азалдан илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият ва маърифат маркази сифатида дунёга машҳур. Бугун вилоятда бой маданий меросни ўрганиш,

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ТУШУНИШ УЧУН УЧИНЧИ ОДАМ КЕРАКМИ?

Оила психологияси



“Мен соппа-согман. Нима мени жиннига чиқариб қўйган мисизлар? Нега мени бу ерга олиб келдингиз?”

Қош-кўзлари попуқдеккина, аммо жуда асабий қизининг бу гапларидан уялган онаси атрофга хижолатомуз аланглаб, лаб учиди пичирлайди:

“Секинроқ гапир, қизим. Биров докторга қўринамизу, кетамиз. Ҳўзингни қўлга ол.

“Ўн дақиқа кутаман. Навбатимиз келмаса – кетаман. Бу ерда безрайиб ўтириш жонимга тегди”.

16 ёшлардаги қизнинг шангилаши навбатда турганларнинг эътиборини тортиди. Она лом-мим демасдан, тезроқ психолог ҳузурига шошилди.

“Шунақа, сал нарсага ловулаб кетадиган бўлиб қолган”, – йиғламоқдан бери бўлиб турган она умид билан шифокорга термулди.

Аслида-ку, ўзбекчиликда қиз бола учун онадан авлороқ маслаҳатчи йўқ. Бироқ давр шиддати, глобаллашув жараёни ёшлар руҳиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайпти. Бугун айрим ота-оналар ўз фарзандини тушуниш учун учинчи одам – оила психолог ёрдамига муҳтож бўлмоқда.

ПСИХОЛОГ ҚАБУЛИ БУГУННИНГ ТАЛАБГА АЙЛАНДИМИ?

– Бир пайтлар одамлар эшикдаги “Рухшунос қабули”, деган ёзувга хавотир билар қарашар, унинг остонасида узокроқ туриб қолишдан чўчичан эди. Бироқ, бугун бу чин маънодаги талаб ва эътиёжга айланмоқда, – дейди психолог Дилфуза Валиева. – Менталитетимиз, ўзбекона тарбиямизга кўра уйдаги гапни кўчага чиқармаслик, ҳар қандай муаммони оила даврасида ҳал этиш лозим. Бу аслида бизнинг миллий фазилатимиз. Аммо давр шиддат билан ўзгарапти. Ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар, телефондаги сўзлашувлар ҳар қандай бола-

нинг онгу тафаккурига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайпти. Ота-оналарнинг иш билан бандлиги, эътиборсизлиги, болаларнинг маслаҳатчинини интернетдан излаётгани сир эмас. Баъзида фарзанд тарбияси борасида ота-оналар психолог маслаҳатига эҳтиёж сезишмоқда. Шу сабаб оила психологияси фан сифатида ривожланиб бормоқда. Юзага келадиган мураккаб вазиятлардан чиқиб кетишда оила психологининг кўмаги лозимлиги сезилапти.

Турли муаммолар бўйича мурожаатлар кўп бўлади. Масалан, аёлининг жиззакли бўлиб қолганидан шикоят қиладиган эркаклар, ўсмир фарзанди билан можарога бораётган оталар, боласининг ёлғончилигидан хавотирга тушган оналар ёхуд қайнона-келин ўртасида азият чекаётган ўғиллар билан тез-тез гаплашиб тураман. Бу жараёнда биз фақатгина бир киши билан ишлаш олмаймиз, унинг яхши томонга ўзгаришида бутун оилани тадқиқ этиб, ўрганамиз. Гарчи ҳали бизда оила психолог тушунчаси у қадар ривожланмаган бўлса-да, мурожаат қилувчилар сонини кўриб, бугунги кунда бу ниҳоятда керакли йўналиш эканига амин бўламан.

М. Камолова (шифокор):
– Қизимни сира тушуна олмайман. У тез-тез ёлғон гапирадиган, паршонхотир, жиззакли бўлиб қолган эди. Ҳатто охири вақтларда уйимиздан пул ва бошқа буюмлар йўқоляпти. Ундаги руҳий ўзгариш сабаб психологга мурожаат қилдим, натижа чиқмади. У эски одатларини ташламади. Менимча, ҳар доим ҳам руҳшунс ёрдам бера олмайдиган вазиятлар бор экан.

Д. Валиева (психолог):
– Психолог маслаҳати билан кўплаб муаммолар ҳал бўлади, бироқ улар орасида айримлари самара бермаслиги мумкин. Бу шахсининг ўзи ва иродасининг нечоғли шаклланиши

билан боғлиқ. Шундай вазиятлар бўладики, кишининг руҳий ҳолатини ўзгартириш оила психологига эмас, балки, беморнинг оила аъзоларининг муносабатига боғлиқ бўлиб қолади. Демак, ҳар қандай муаммонинг ечимида мутахассис ва оила ҳамкорлигига таяниш лозим.

САМАРАЛИ ТАРҒИБОТ ЗАРУР
– Аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ҳисобига ёш оилалар ҳам кўпаймоқда. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб маънавий соғлом оилаларни бунёд этишга, ҳар жиҳатдан комил фарзандларни тарбиялаб, вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Республика “Оила” илмий-амалий маркази “Оила психологияси” бўлим бошлиғи, психология фанлари доктори, профессор Баҳриддин Умаров. – Ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида инсон омилидан фойдаланиш, шахс имкониятларини тўла-тўқис юзага чиқариш масаласи Ўзбекистон психологлари олдига оилавий психологик хизмат билан боғлиқ муайян вазифаларни амалга ошириш маъсулиятини юклайди. Республика “Оила” илмий-амалий маркази ва юртимиздаги етакчи олий таълим муассасалари мутахассислари мазкур масалани илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, оилаларнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш, эмпирик (тажрибавий) маълумотларга асосланган назарий ва амалий ишланмалар яратиб борасида маълум ишларни бажариб келмоқда. Хусусан, марказимизда олиб борилётган “Ўзбекистонда оилавий психологик хизматни ташкил этишнинг илмий-назарий ва методологик муаммолари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида Фарғона шаҳрида, Тошкент шаҳри туманларида психологик хизмат марказлари ташкил этилди. Кўнгилли, жамоатчилик асосида иш юритадиган марказ психологларининг фаолияти асосан аҳоли ўртасида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирларни белгилаш ва уни амалга ошириш, оиладаги муаммоларни аниқлаш, психологик ёрдам кўрсатиш, миқозга тегишли маълумотларнинг тарқалиб кетмаслигини, унга алоқадор ахборотларнинг анонимлиги, махфиллигини таъминлаш, муаммоларни вазиятга тушган оила аъзоларининг психологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларга кўмаклашиш, психологик саводхонликни ошириш борасида маслаҳатларни бериш, зарарли одатларга ўрганишнинг ол-

дини олишга, улардан қутулишга кўмаклашиш ва бошқа шу каби масалаларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Оила – бу мураккаб жараён, унинг шахсларо муносабатларини аниқлаш учун тадқиқ этиш лозим. Шу сабабли марказ “Оилада муомала маданияти” номли ижтимоий-психологик сўровномани Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ўтказди. Ва шу асосда ўйлаб мақолалар, тавсиялар нашр этилди.

Назаримда, оила қуриш остонасида турган ёшлар учун тавсияларни беришнинг ўзи етарли эмас, уларнинг китоб жавонидан жой эгаллайдиган, муаммога дуч келганда ҳал этиш учун мурожаат қиладиган адабиётлари бўлиши керак. Шу сабаб ёшлар ва ёш оилалар учун “Ажралишнинг олдини олиш бўйича психологик тавсиялар”, “Оилавий муносабатларни ўрганиш учун психологик тестлар тўплами”, “Оилада шахсларо муомалани ташкил этиш психологияси”, “Оилавий ҳаётга тайёрилик”, “Ёшларда ҳулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олиш бўйича психологик маслаҳатлар”, “Оилада маънавий ахлоқий тарбия”. “Оиладаги ижтимоий муносабатлар жараёнида шахсининг ўз жинсини англаш”, “Кексалар тажрибасидан фойдаланиш – ҳаётий сабоқдир”, “Оилада ёш авлодни оммавий маданиятга қарши курашувчанлик ҳиссини шакллантириш” каби мавзуларда услубий қўлланма, рисоалар ва “Муомаланинг сирасорлари” ва “Муомалада ёшнинг инобатга олиш масалалари” мавзуларидаги буклетлар китобхоналар эътиборига ҳавола этилди. Албатта, оилавий низолар, ажримлар, оилада носоғлом муҳитга сабаб бўлаётган руҳий ўзгаришларни аниқлаб, тартибга солиш оила психологининг вазифаси. Бу касбни тараққий этишни, оилада шахсларо муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилишида унинг иштирокини тўлиқ таъминлаш мақсадида қатор ишлар қилиниши ва қилинмоқда.

Оила – муқаддас тушунча. Миллий маънавиятимизни асраб-авайлаш, келгуси авлодга ахлоқий қойдаларимизни гард юқтирмай етказишда тўғри тарбия, руҳий кўмак кўрсатилиши ниҳоятда муҳим. Шу маънода оила илмий асосда ёндашиш, уни тадқиқ қилиш, керакли тавсияларни ишлаб чиқиш давр талабидир.

Камола АДАШБОЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛИ ЮРТ

Миллий матбуот марказида “Жамият” ижтимоий-сўёсий газетаси тахририяти томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган “Кексаларимиз – бебаҳо бойлигимиз” лойиҳаси якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Унда Олий Мажлис ҳузуридagi нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

– Мазкур лойиҳа Олий Мажлис ҳузуридagi нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

томонидан давлат ижтимоий буюртмаси сифатида молиялаштирилган бўлиб, 2015 йилнинг 1 июлидан жорий йилнинг худди шу санасига қадар давом этди, – дейди “Жамият” газетасининг бош муҳаррири В.Шукуров. – Лойиҳанинг умумий бюджети 80 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шундан 50 миллиони давлат ижтимоий буюртмаси сифатида ажратилган. “Кексалар – бебаҳо бойлигимиз” лойиҳасидан қўзланган мақсад мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, ёши улуг инсонларнинг бой ҳаётий тажрибасидан навқирон авлод камолотида оқилона фойдаланиш, ёш авлоднинг миллий кадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдир.

Танловда олтишга яқин журналист ўзларининг икки юздан зиёд публицистик материаллари билан иштирок этди. Тадбир якунида танлов ғолиблари ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Фарангиз ҲОШИМОВА

Юксак технологиялар асрида яшаймиз. Очиги, ҳозир одамларни унча-мунча нарса билан ҳайратлантириб бўлмайди. Бир пайтлар... шу сўзни кўп ишлатамиз. Ҳа, бир пайтлар қўшни шаҳардаги танишингиз билан телефонда сўзлашиш учун бир ҳафта аввал буюртма бериб, икки-уч соат навбат кутишингизга тўғри келарди. Бир пайтлар Самарқанд, Бухоро ёки Қаршига етиб олиш учун бир кун вақт сарфлар эдингиз. Бир пайтлар урф бўлган ҳинд фильмини томоша қилиш учун кинотеатр остонасида соатлаб сарғаяр эдингиз... Давом этавериш мумкин. Ҳа, яна – бир пайтлар суратга тушиш учун туман маркази ёки шаҳардаги фотостудияга боришингиз, бошига қора қоп ёпиб олган сураткашнинг кўрсатмаларига амал қилишингиз, қўлингизга тутқазилган қогозчага ёзилган муддатда келиб суратингизни олиб кетишингиз, хуллас икки-уч кун вақт сарфлашингиз керак бўлар эди. Ҳозир-чи? Ҳозир қўлингизда телефон бўлса-ю, “чиройли табассум” қилишни уйдalasангиз бас – шунинг ўзи кифоя. Ўша машҳур кинофильмдаги Лутфихоним ая Саримсоқова бундай ажабтовур янгиликларни кўрганида борми, “Вой, тиниб-тинчиман одамлар-ей, нималарни ўйлаб топилмайди-я”, деган бўлар эди. Бироқ ҳозир 70-80 ёшни уриб қўйган отахону онахонлар ҳам ҳайратланмайди, чунки селфи нима эканини яхши билишади.

фимания ва наркомания тушунчаси бир-бирига яқин, деб ҳисобланади. Сабаби, наркотик моддалар қанчалик ўзига чорловчи бўлса, суратга тушиш ҳам шунчалик жалб этади. Бугун селфимания юкумли касалликка айланган. Қалтир вазиятларда расмга тушиш (автомобил ойнасидан ташқарига чиқиб, баланд иморатлар тепасида, тоғ чўққиларида, чуқур ҳовузларда, турли ҳалокатли вазиятларда), ижтимоий тармоқларга минглаб суратларни жойлаштириш (интернет обуначилари ўртасида муҳокамага қўйиш) тўхтовсиз кучайиб бормоқда. Кимдир расмга тушишни эрмак, деб билса, кимдир бу

НАРЦИССИЗМ СИНДРОМИ

ёхши селфимания ростдан ҳам касалликми?



(like)ларни қабул қилиб олиш ўзига бўлган ишонч ортишига ва ўзида йўқ хислатларнинг борлигига ишониб

оқибатида ёлгон тасаввур гирдобига тушиб қолишларига, келажакда эса бу асаб билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келишига олиб келар экан. Тенгдошларимиз, ёшлар, ука-сингилларимиз ўз-ўзини суратга тушириб қўя қолишмаяпти-да! Улар расмларни интернетга жойлаш бўйича, ҳатто мусобақа ҳам уюштиришмоқда. Бир куннинг ўзида ўнлаб суратлар ижтимоий тармоқлар саҳнасига чиқмоқда. Ҳар хил кўринишда, баъзан миллий менталитетимизга номуносибларини ҳам учратибнингиз мумкин.

Шухрат Убайдуллаев, 32 ёш,

Селфи – инглизча selfie, яъни “self” – “ўзим, ўз” дегани. Русчада “ўзини мўлжалга олиш, ўққа тутиш” бирикмалари айнан шу мазмунда қўлланилади. Селфимания деганда, ўзини фотокамераларда суратга олиш, турли портретлар яратиш тушунилади. Статистик маълумотларга қараганда, 2000 йилнинг охири ва 2010 йилнинг бошларида урфа айланган бу одат ҳозир жаҳонда энг юқори рейтингни эгаллаган. Хўш, қўлларни чўзиб камера қаршида товусдек товланиш, сал қиярок, ўнга ёки чапга сурилиб суратга олиш қанчалик характерли?..

Жавоҳир Абдувахобов, 18 ёш, ўқувчи:

– Дўстларим билан мапқ залида “бакуват елкали йигит” қиёфасига кириб расмларга тушамиз. Бу жараён орқали биз ташқи қиёфамизни кузатиб борамиз. Мушакларимиз қанчалик ўсиб бораётганини селфи ёрдамида қиёслаймиз.

... Дунё психологлари селфиға мубталолар ўзларига бино қўйган ва ўз ташқи кўриниши билан фахрланадиганлар, деб ҳисоблашмоқда. Улар нарциссизм (атрофдагиларнинг эътибор ва эътирофи ҳамда ўз кўринишига қарамлик) гирдобига тушиб қолишади.

Ижтимоий тармоқларда ўз суратларини жойлаштириш ва бунинг натижаси ўларок, виртуал дўстлардан

сураткаш:

– Селфимания билан шугулланиш бир томондан ўз мухлисларини камера қаршида тўғри ва чиройли туришга ўргатиб борса, иккинчи томондан керакли мимика(юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари, имо-ишоралари), ракурс(тасвирий санъатда: нарсанинг узоқдаги қисмларини

қисқартириб, кичрайтириб тасвирлаш) ва композиция (расмнинг тузилиши) билан ишлашда тажриба орттириш имкониятини беради. Вақт ўтиши билан селфи шинавандалари маҳоратли бўлиб бораверадилар. Шунинг баробарида ўз хиссиётларини жиловлай олмай ноқоиш суратларни ҳам жойлаштиришади.

Абдуқодир Нодиров, 66 ёш, ўқитувчи:

– Ёшу қари ўртасида оммалашиб бораётган селфимания бир қанча салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Қаерга бормаи, хоҳ у дам олиш маскани, хоҳ у расмий давлат идораси бўлсин, ёшлар ўзини минг алфозга солиб суратга тушиш билан банд эканига гувоҳ бўламан. Ҳатто, баъзилар бу иллатнинг қурбонига айланмоқда. Уяли алоқа воситасидан фақатгина селфи сифатида фойдаланиш, уни бир эрмак ўйинчоққа айлантириш ҳеч бир қоидага мувофиқ эмас. Ўз-ўзини кўз-кўз қилиб расмга тушиш эса на ахлоқ ва на одобга тўғри келади.

“Барчамизга хавф тугдираётган селфининг олдини олиш учун шахс индивидуал иммунитет ҳосил қилиши лозим. Маънавий баркамол, иродали инсон образини шакллантириш муаммони ҳал этишда ёрдам беради”, дейди мутахассислар.

Хулқар Курдашева, 54 ёш, тадбиркор:

– Самарқанд, Бухоро обидаларини, Минораи калонни зиёрат қилганда тарихга муҳрлаш учун ҳам суратга тушаман. Бу расмлар эсдалик. Кези келганда, уларга боқиб ўтган воқеаларни хотирлайман. Лекин ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, ўзини суратга олишнинг ҳам чегараси бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Марям Ҳабибуллаева, 46 ёш, психолог:

– Селфимания натижасида инсон руҳиятида чуқур психологик бузилишлар юз беради. Тиббиётда сел-

касалликнинг ашаддий мутаассибига айланиб бормоқда.

Натижада инсон психологиясида турли тўқнашувлар, шунингдек, нарциссизм вужудга келади. Суратлар орқали завқ олиш, қўллаб вақтини шунча селфи учун бағишлаш, муккасидан кетиб расмга тушиш нарциссизм аломатларидир. Хусусан, балоғат ёшида эгоизмнинг кучайиши, атрофдагиларга салбий муносабат айнан шунинг психологик нишонасидир.

Бу дарддан халос бўлишнинг биргина чораси вақтни тўғри тақсимлашдир. Касб, ҳунар ёки илм билан шугулланган одамгина бу хасталикка дучор бўлмайди.

Қобилова 29 ёш, уй бекаси:

– Назаримда оилавий ажримлар, оиладаги низолар, фарзандлар



ўртасидаги келишмовчиликларнинг бир қисми селфимания сабаби авж олмоқда. Ўқувчи-талабаларнинг дарсга муносабатининг пасайиши, ходимлар иш сифатининг сўниши ҳам маълум маънода турмуш тарзини таъсирини кўрсатади. Ҳар ким ўзи устида кураш олиб бора олсагина, масаланинг ечимини топа олади.

Во ажабо:

Америкалик мутахассислар селфиманияни касаллик сифатида кўриб, ўз расмини ижтимоий тармоқлар (telegram, what's up, facebook, instagram)га жойлаштирилган касалликка чалинган беморлар, деб тан олган. Бундай касаллар сирасига кунига бештадан ортиқ расм қўйган фанатлар кирар экан. Бу океан орти олимларининг фикри. Қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Дилноза ЖўРАЕВА,
Шоҳиста ШАҲОБОВА

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШАЁТГАНЛАР

Тадбиркор аёл

Кибрай туманидаги “Мирзажалил Жаҳон боғи” фермер хўжалигининг омиркор деҳқонларини маҳалло шароитида яхши танишади. Кўп тармоқли фермер хўжалигига Дилафрўз Мирзараимова бошчилик қилади. Фермернинг тиниб-тинчимаслиги боис бу ерда боғдорчилик, галла, сабзавот етиштириш билан бир қаторда қорамолчилик, беданачилик йўналишларида ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.



ва сутнинг сифати бузилмаслиги учун махсус мосламада сақланади. Бугунги кунда фермер тумандаги 2 та мактабгача таълим муассасаси ҳамда 1 та шифохонага сут етказиб бермоқда.

Айни пайтда 14 гектар галла ўриб янчиб бўлинди. Ўз вақтида

топади ва биздан ҳам ишни шундай талаб қилади. Ахир шунча одамни иш билан таъминлаш ва янгилик яратиш учун бир жойда ўтириб бўлмайди. Қолаверса, бу аёлнинг тиниб-тинчимаслиги жамоадаги барча ходимларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Опанинг жамоа учун айтадиган бир яхши гапи бор: «Далада ишлайсизми, молларга қарайсизми, нима ишга қўл урсангиз, ўзингизникидек меҳр бериб қилсангиз, ишингизда сифат бўлади» дейди. Бу иборани ҳар бир ходим ўзларига шиор қилиб олган. Яна бир яхши одати борки, бир қарич ерни бекор ётгани қўймайди. Йўлак четлари, ариқ бўйларига қовоқми, мош, ловия ҳеч бўлмаганда райхон эктиради. Ходимларни ўз вақтида моддий рағбатлантириб туришни ҳам эсдан чиқармайди. Энг муҳими, қўл остидаги ишчиларнинг оилавий ҳаёти билан қизиқиб, муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ҳар куни яратувчанлик иштиёқи билан яшаётган инсонни бир хиллик зериктиради. Шу боисдан ишнинг кўзини биладиган фермер қўшимча тармоқ фаолиятини ишга тушириш ниятида изланмоқда. Унинг таъкидлашича, хўжаликнинг 40 сотих лалми ерида 200 тонналик мева ва сабзавотларни сақлайдиган замонавий омборхона бунёд этиш ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган пех фаолиятини йўлга қўйиш навбатдаги режаларидан бири. Бундан ташқари, сутини қайта ишлашга ихтисослаштирилган цехни ҳам ишга тушириш режада бор. Хориждан ушбу технология келтирилгач, сут маҳсулотларидан йогурт, сметана, қаймоқ, тўроғ ишлаб чиқарилади. Икки йил ичда ушбу лойиҳалар ишга туширилиши ва келгусида яна 20 нафар янги иш ўринлари яратилиши фермерга тинчлик бермайти. Фермернинг режалаштираётган эзгу ишлари натижасида заминимизда пишиб етилган мева ва сабзавотлар ҳамда сут

– Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад тармоқларидан бири, – дейди Дилафрўз Мирзараимова махсус кўраларда парваришланаётган бузоқларга ишора қилиб. – Бироқ ушбу соҳага қўл урган одам оромидан воз кечмаса, ҳеч нарсасига эришолмайди. Шунинг учун йилнинг қайси фасли бўлишига қарамай, тонг отмасдан далага ошиқаман. Сигир-бузоқлар ҳолидан хабар оламан. Эрталаб далани айланиб, ишчиларга берилган топшириқларни бирма-бир кўздан кечирмагунча кўнглим тинчимайди. Ходимларимиз ҳам шунга одатланишган.

2008 йили ташкил этилган фермер хўжалиги дастлаб гилос, олма, олхўри, шафтолидан иборат 4 гектар боғ барпо этиб, боғ қаторлари орасида турли сабзавот экинлари етиштира бошлади. Хўжаликнинг қўшимча тармоқларини ишга тушириш ва ходимларга етарли шарт-шароит яратиш учун фермер анчадан бери таъмирталаб ҳолга келиб қолган молхона биносини реконструкция қилиб, 2014 йилда Европадан сут ва гўштга ихтисослашган 31 бош гунажин олиб келди. Қорамолларни биринчи навбатда ўзимизнинг иқлимга мослаштириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш учун фермер анча тер тўқиди. Тошкент давлат аграр университети мутахассис олимлари би-

лан маслаҳатлашди. Назарий билимларини бойитиш учун яна туман ветеринария бўлими, наслчилик бўйича шуғулланадиган мутахассислар билан тажриба алмашиб, қорамолларнинг



овқатланиш радионига эътибор қаратди. Бир кунда 12 кг.дан ҳашак ва ем билан боқилаётган гунажинлар сони 2 йил ичда 96 бошга етди. Тез орада қорамоллардан 10 бош буқа бўрдоқига тайёр бўлди. Чорвачилик борасида етарли тажриба тўплаган фермер бу билан кифояланмади. Орадан икки йил ўтиб яна 32 бош гунажинни Германиядан олиб келди. Бу қорамоллардан ҳам 13 бош бузоқ олинди. Йил якунига қадар яна 19 бош бузоқ олинди кутилаётган фермер хўжалигида бир бош сигирдан ўртача 25-30 литрдан сут соғилмоқда. Сигирлар хориждан келтирилган замонавий ускуналарда соғиб олинди

берилган ишлов натижаси ҳамда 5-6 марта шарбат усулида сугорилган майдон гектарига 65-70 центнердан ҳосил бериб турибди. Яна 7 гектар майдонда озуқа базасини мустаҳкамлаш учун лавлаги, 7 гектар жўхори, боғ орасидаги қаторларига сули ва беда экилган. 3 гектар картошка, 1 гектар помидор, булғори ва бошқа зиравор экинларни яшнаб турганини кўриб, кўзингиз қувнайди.

– Ишчиларимиз самарали меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит яратиш асосий вазифамиз, – дейди Дилафрўз Мирзараимова. – Шунинг учун боғ эстагида шийпон ҳамда ётоқхона курганмиз. Шийпон ёнига қурилган тандирда баъзида ўзим патир, сомсаларни ёпиб бераман. Ишчиларнинг уйда қандай шароит бўлса, бу ерда ҳам шунақа. Яна 3,5 минг бош беданамиз бор. Улардан кунора 7-8

минг дона туҳум олинади. 2 бош от ҳам хўжалик ишларини бажариш учун парвариш қилинмоқда. Хуллас, жамоадаги 35 нафар ходим йил бўйи меҳнат билан банд. Ўтган йили лизинг тартибида ТТЗ 40 тракторини харид қилдик. Кўринишидан митти бўлган бу техника боғ қатор ораларига ишлов беришда жуда қўл келяпти. Очиқ майдонларни тайёрлаш учун эса МТЗ-82 трактор ҳамда пишиб етилган маҳсулотларимизни пешма-пеш бозорга етказиб беришда “Газел” юк машинаси, энгил машина доим хизматда.

– Дилафрўз опадаги шижоатни кўриб тан бермасдан иложимиз йўқ, – дейди хўжалик иш юритувчиси Дилмурод Акбаров. – Ҳали қарасанг тонг саҳарлаб бозорга чопади, ҳали қарасанг минерал ўғит олиш учун туман идораларида юради. Яна шунча ишлардан ортиб оиласи, рўзғоридagi юмушларни ҳам бажаришга вақт



маҳсулотлари истиқболда чет элга экспорт қилиниши мўлжалланган.

Юртимизда Дилафрўз Мирзараимова каби ўз меҳнати билан эл қорига камарбаста қишлоқ мулкдорлари кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг камтарона хизматлари эса оилаларимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бектош ИСМОИЛОВ,
«Оила ва жамият» мухбири



ОЙДИН БОБОНИНГ ДУОЛАРИ

Оталар ва болалар

Нурота заминидан бир ёни Оқтоғ, бир ёни Қоратоғ этакларига туташган кенгликларда умргузаронлик қилиб, маънавият-маърифат йўлида эзгу ишларга қўл урган зиёлилар кўп ўтган.

Яқинда ўша томонларга йўлим тушди. Қизиксиниб, маҳаллий аҳолидан улар ҳақида сўрадим: шунда одамлар тилида дoston бўлган бахши тўғрисида эшитдим. Тажрибали ўқитувчи, этнография, дostonчиликнинг тивиб-тинчимас тарғиботчиларидан бири Ойдин Синдоров ҳозирги Қўшрабoт тумани Қўрғон қишлоғида туғилган. 1961 йили ҳозирги Низомий номидаги Тошкент педагогика университетининг география факультетини тугатгач, Нурота туманидаги Соькечар, ҳозирги Қўшрабoт туманидаги Қовунчи, Қўрғон қишлоқларида муаллимлик қилган. Ҳозирда қишлоғидаги мактабда кўп йиллар директор лавозимида ишлаган. Бу ёғи Жўш, Аймак, Тоз, кўпни Божот, Сиртсулуд, Папанай, Жилотомгали ва кўплаб қишлоқларга довруғи кетган. У ерларга бoриб дostonлар айтган, халқнинг тилига тушган.

Ойдин Синдоров улуг дostonчилар сулоласи шажарасининг давомчиси ҳандир. У ўтган асрнинг 70-йилларида миллий кадрларнинг оёқ ости қилиниб, халқ овози ижоди ўрганилиши тақиқланган даврларда Нурота, Қўшрабoт, Хатирчи, Пайариқ, Иштихон туманларини кезиб, Қўрғон дostonчилик мактабининг вакиллари қолдирган осорига, кийим-кечак, қўлёзма, дўмбираларни жамлаб, дастлаб ўз уйда музей ташкил қилади. Албатта, бу катта

жасорат эди, айнан мана шу иш халқ орасида унинг оёқ ости кўради.

Нихоят, 1978 йил Эргаш Жуманбулбул ўғли таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан Қўрғон қишлоғида очилган музейга О.Синдоров бор босотини ҳада қилади. Айтишларича, Ойдин бобо музей атрофида бoг барпо этишга, шoғирдлар тайёрлаш, дostonчиликни кенг тарғиб этишга бошқош бўлади.

Ш у б ҳасиз, бугун ҳам Ойдин бoбонинг ишларини авлодлари давом этираётир. Фидойи муаллим-

нинг ўғли, юридик фанлари доктори Комил Синдоров отасини шундай хотирлайди:

– Қўрғонда ҳатто қизғалдоқнинг бийрон тили бор, Қўрғоннинг бир тили эмас, кўп булбули бор, дeгaн сaтрлар тез-тез тилга олинади, – дейди Комил ака. – Отамиз раҳматли аввало, маънавийли муаллим эди, қолаверса, томмирида бахшилар қони оққан. Синдор бувам Қувондиг бахшининг ўғли бўлган. У киши ўз давридаги бахшилар, халқ шoирлари ҳақида кўпгина қимматли хотираларни йиғиб юрган.

ёхуд Синдоровлар феномени



Ёдгор бахши, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шoир, Раҳматилло Юсуф ўғли ва яна бир қанча “Қўрғон” мактаби наомандаларининг маънавий дурдоналарини келгуси авлодга етказишга ҳисса қўшган. Бoбoмиз Эргаш Жуманбулбул ўғли бахшилар шажараси таърифини келтириб шундай дейди:

*Мен чечанман,
ўзим сўзининг устаси,
Мендан қолган
катта шoир нусхаси.
Етти пуштим бари
шoирга катта,
Уларнинг сўзининг
йўқдир қисқаси.*

...Комил Синдоров отаси Ойдин Синдоровдан мерос қолган, унинг вафотидан сўнг чоп этилган мақолани тутқазди. Марҳум ўқитувчининг бу мақоласи “Эргаш Жуманбулбул ўғлининг сўнги кунлари ҳақидаги янги хотиралар” деб номланади. Унда тилга олинган икки жиҳат бугунги авлод вакилларига асқотиши шубҳасиз.

“Отам Эргаш Жуманбулбул ўғлининг охири кунлари билан

боғлиқ кўп хотираларни сўзлаб берган, – деб ёзади муаллиф.

– 1936 йилда фольклоршунос Хoди Зариф ташаббуси билан бир гуруҳ бахши шoирлар Тошкентга бoришади. Хoди Зариф анжуманда уларни бирма-бир таништиришни керак эди. У дастлаб Пўлкан шoирдан “Кимсиз, қаердансиз?” – деб сўрайди.

“Мен Хатирчидан лейди бахши, кейин булунгурлик Фозил Йўлдош ўғли, китоблик Абдулла шoирлар ўзини таништиради, кейин сўзни Эргаш бoбoга бeради.

У дўмбирани қўлга олиб, машҳур сaтрларини айтади:

*Районим Нурота
тоғлар ораси,
Отим Эргаш
Жуманбулбул боласи.
Қаридимми десам
кўнглим қоласи,
Тобора ошад,
ёшдан ҳаваси.*

Бахши бoбoмиз бу ерда ҳам барчани лoл қолдиради. Зални қарсақ тутайди”.

Ойдин Синдоровнинг қайд этишича, Эргаш Жуманбулбул ўғли 1936 йилдан 1937 йилнинг апрель ойигача Тошкентда яшаган. Фольклоршунос Хoди Зариф ундан “Дали”, “Хуш келди”, “Равшан”, “Қундуз билан Юлдуз” дostonларини ёзиб олган. Хoди Зариф Эргаш Жуманбулбул ўғлини Тошкент бўйлаб саёҳат қилдирган. “Тошкент таърифи” термаси шу даврда яратилади.

Ойдин Синдоров Эргаш Жуманбулбул ижоди билан боғлиқ осори атиқаларини йиғишда, шу пажара давомчиси, маънавий тарғиботчиси сифатида жон кўйдиради.

Ҳозир ҳам Қўшрабoт тумани Қўрғон қишлоғидаги музейга кўпчилик бoради. Маънавият масаласи шу қадар долзарб бугунги кунда бу мавзуга қизикқан юртдошларимиз, айниқса, мураббийларимиз ушбу маскaнни зиёрат қилишади.

Халқимизда оққан дарё оқавeради, дeгaн пурҳикмат ибора бор. Шу маънода бу авлод қонига халқ маънавиятини бойитиш, унинг аъналарини тарғиб қилиш, жаҳонга танитиш сингиб кетган.

Мустақил диёримизда илмфан, маънавий тарғиботи, юртнинг довруғини янада ошириш йўлида мўъжизакор қадамлар ташланмоқда. Қўрғон қишлоғидан чиққан улуг бахшилар, олимлар ортидан шахмат дунёсида дoнг таратган янги юлдузлар пайдо бўлди. Бу ҳаммамиз фахр билан тилга оладиган Ойдин Синдоровнинг чевараси Жавоҳир ва Ислoмбек Синдордир.

Жавoҳир Синдоров 2005 йилда туғилган. Табиатан оғир, гўдаклидан хотираси кучли бола. Тўрт ёшидан икки қарра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов қўлида шахмат сирларини ўрганади. У юздан зиёд мураккаб партияларни ёддан билади. 2012 йил Хиндистонда бўлиб ўтган Мактаб ўқувчилари ўртасидаги қитъа чемпионатида тезкор шахмат бўйича Осие чемпиони, классик шахмат бўйича кумуш медал совриндори, 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида Ҳазебистон чемпиони бўлди.

Ислoмбек Синдоров 2007 йилда туғилган. Тўрт қарра қитъа, икки қарра жаҳон чемпиони бўлган етти ёшли шахматчи Президентимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Синдоровлар сулоласи зиёли мураббийлар сулоласи ҳисобланади. Ойдин Синдор осoдoдларининг маънавий меросини асраб-авайлаш ва тарғиб қилишда фидойилик кўрсатган бўлса, унинг чеваралари ўзбек болалари ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмадлигини дунёга намoён этмоқда.

Ўлжабой ҚАРШИБОВЕВ



ВИЖДОНИНГИЗ ҚИЙНАЛДИМИ, УКАМ?!

Ҳаёт манзаралари

Эрталаб уйдан вақтироқ чиққаним учун ишга автобусда кетишга жазм қилдим. Бекатдан чиқсам, орқа ўриндиқда уч йигитча ўтирган экан. Икки йигитнинг қўлида ҳужжатлар солинадиган жилд бор, афтидан улар бирор олий ўқув юртига ҳужжат топириш учун кетишаётганди. Ўртадаги йигит менга жой бeриш тараддудида бир қараб қўйди. Сўнг икки томонида хотиржам ўтириб, нималарнидир муҳокама қилиб кетаётган ўртоқларига қараб у ҳам ўрнидан кўзгалмади. Бироз нокулай аҳволга тушиб, хижолат бўлиб ўтиргани хатти-ҳаракатларидан билиниб турарди. Менга қайта-қайта қараб қўяр, кўзим тушганида уялиб, назарини олиб қочарди. “Мени ён деб ўйлаётми”, дeгaн ўй кўнглимдан кeчиб, телефонимга келган хабарларни ўқиб кета-

вердим. Гарчи кўзим телефонда бўлсада, эътиборим ҳалиги йигитчада эди. Автобус кейинги бекатда тўхтаганида, олтимиш ёшлар атрофидаги бир рус аёл чиқди. Йигитлар унга ҳам жой бeришмади. Олдинги ўриндиқларнинг бирида ўтирган ёшроқ аёл ўрнидан туриб, онахонни ўз жойига ўтиргизди. Бироздан сўнг, йигитлар тушадиган бекат келди чоғи, тараддуланиб қолишди. Шунда ўртада ўтирган ҳалиги йигитга паст товушда: “Виждонингиз қийналди-а, укам?”, деб сўрадим. Йигит кўзларини ҳайрат билан очиб:

– Буни қаердан билдингиз?, – деди ва сeкингина: – Жуда хижолат кeчкдим, – дeя уз сўради.

– Сизнинг менга ёки бояги онахонга жой бeришингиз ҳам кичкина садақа эди. Бу билан сиз йўлингиздаги тўсиқ-говларни олиб ташлардингиз. Ҳеч бир



ёр бўлсин!..

Йигитча мени диққат билан эшитар экан, нигоҳлари маънос эди. Сўнг гапларимдан тўғри хулоса чиқаргандек минаятдорлик ишорасини билдириб, бекатда тушиб қолди.

Кимнинг хурмат қилиш ёки қилмаслик — сизнинг ишингиз. Муҳими, ўзингизни хурмат қилинг. Хатти-ҳаракатингиз, атрофдагиларга муносабатингиз орқали тарбиянгиз қай даражада эканини билиш қийинмас. Кишлар боланинг тарбияси, маданиятини кўриб, ота-онасини олқишлайди. Буни ҳеч қачон унутманг...

Дилором САЪДУЛЛАЕВА,
психолог

СИФАТСИЗ ҲАМОНЧИҚ

БОЛА СОҒЛИГИ ВА РУҲИАТИ УЧУН ЗАРАРЛИ

Оилада янги меҳмон дунёга келди. Ота-она биринчи навбатда гўдакнинг хавфсизлигини таъминлаши, унга ҲАМОНЧИҚЛАРНИ Тўғри танлай билиши керак. Бунинг учун нималарга эътибор бермоқ лозим? Сифатли ҲАМОНЧИҚЛАР харид қилаётганда ота-оналар учун қайси жиҳатлар аҳамиятли?

Назokat Фозилова – “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси синов лабораторияси мажмуаси бош мутахассиси:



14 ёшга бўлган болалар учун мўлжалланган ҲАМОНЧИҚЛАР МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТ ГОСТ 25779-90 талаблари асосида “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонасидаги синов лабораториялар мажмуасида синовдан ўтказилади. Синов жараёнида ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ хавфсизлиги текширилади. ҲАМОНЧИҚЛАР ёшга қараб икки турга бўлинади: 0-3 ёшга ва ундан катта бўлган болалар учун.

ҲАМОНЧИҚ харид қилаётганда, ота-она биринчи навбатда махсулот қадогога ва тамгаланишига эътибор бе-



риши керак. Махсулот ўрама ип билан қадоқланмаган бўлиши лозим, чунки бу гўдак учун хавфли. ҲАМОНЧИҚНИНГ ип биланинг оёғи ёки бўйига ўралиб қолиши мумкин. Тамгаланишида белгили тавсияларга эътибор берган маъқул. Унда ҲАМОНЧИҚЛАР қайси ёшдаги болаларга мўлжаллангани кўрсатиб ўтилади.

Болалар озига солиб ҲАМОНЧИҚЛАРНИ ҲАМОНЧИҚЛАР ВА 3 ёшдан кичик бўлган болалар ҲАМОНЧИҚЛАРИДА маномер, палистикатор, резина қоршмалар меъёрдан ошмаслиги лозим.

ҲАМОНЧИҚЛАРНИ ЭЛЕКТР тармоғига уланадиган қисми тўғридан-тўғри бўлмаслиги шарт. Чунки бола уни электр тармоғига улаши хавфли.

Қувватли ҲАМОНЧИҚЛАРНИ, батареяка ўрнатилган қисми мустақам бўлиши керак. ҲАМОНЧИҚДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАНДА, тушиб кетмаслигига эътибор беришни унутманг.

Юмшоқ ҲАМОНЧИҚЛАР харид қилишда эса уларнинг чокларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Унинг чоклари мустақам бўлиши, ичини тўлдириб турадиган махсулот чиқиб кетмаслиги керак.

Уч ёшга бўлган болаларнинг ҲАМОНЧИҚЛАРИ ЙИРИК бўлиши лозим. Акс ҳолда болалар озига солиб ютиб юбориши мумкин.

Муסיқали товуш чиқарадиган ҲАМОНЧИҚЛАР 65 дан 95 децибелгача бўлиши ва бундан ошмаслиги фойдадан холи эмас.

Болалар пластик ҲАМОНЧИҚЛАР ВА шарикли отувчи тўпоначалар, найза ва рогаткалар билан фақат катталар назорати остида ҲАМОНЧИҚЛАРНИ ДАРКОР! Ушбу қоида пистонлар қўлланиладиган тўпоначаларга ҳам тааллуқли. Найзали ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ учлари металл ҳамда диаметри 20 мм.дан кам бўлмаслиги керак.

Ювганда ранги ўчмайдиغان бўёқ қопланган, елим ва резина ҲАМОНЧИҚЛАРНИ танлаш мақсадга мувофиқ. ҲАМОНЧИҚЛАРДАГИ расмлар аниқ бўлиши лозим. Агар бўёғи сифатсиз бўлса, расмлар тиниқ бўлмайди, бўёқ эса пластик ёки резинага сингади. Ўткир ҳидлиси ҳам зарарли.

Муаззама Иброҳимова – педиатр, психолог:

Болалар ҲАМОНЧИҚЛАРИ – бу халқ ҳаётини акс эттирувчи, унинг маънавий қадриятлари ва маданий таърибасини асрлар давомида аждодлардан авлодларга етказиб берувчи асосий бадиий воситалардан биридир. ҲАМОНЧИҚНИ ШУНЧАКИ ОВУНЧОҚ ДЕБ билмаслик керак. Боланинг дунёни англаши, тасаввур ва тафаккур оламининг кенгайиши, сўз бойлигининг шаклланишида унинг аҳамияти катта. Аммо ҳамма ҲАМОНЧИҚЛАР ҳақида ҳам шундай дея оламизми? Чунки бола тарбиясига ака таъсир кўрсатувчи, тарбиясини бузувчи ҲАМОНЧИҚЛАР ҳам йўқ эмас. Бу каби ёт қаҳрамонлар, ёт гоюларни тарғиб қилишга хизмат қилувчи махсулотлар болаларнинг беғубор руҳиятини бузиши мумкин. Шу боис қуйидаги тавсияларга амал қилган маъқул.

1-2 ёш учун: ёғоч доска, тебранма тойчоқ (ўйил болаларга); арава-чадаги кўғирчоқ (қиз болаларга); ичма-ич қутилар, челақ ва белкурақ тўпалари; гилдиракли ҲАМОНЧИҚ (капалақ, қушча); муסיқий қутича (пианиноча, гитарача); кошок, рангбаранг резина, пластмасса ҲАМОНЧИҚЛАР; машинача, юк машинаси (овоз чиқарадиган); ҲАМОНЧИҚ ТЕЛЕФОН.

2-3 ёш учун: турли ўлчамдаги кошоклар, кўғирчоқлар, юмшоқ ҲАМОНЧИҚЛАР, кубиклар, уч гилдиракли велосипед, пластилин. Бўри доска, рангли қоғозлар, рангли қаламлар (расм чизиши ўрганиш учун), стол

ва стулчалар, тележка, фонарча, боғдорчилик ҲАМОНЧИҚЛАРИ, муסיқий ускуналар (барабанча, кўнғирчоқ, танбур) оддий мозаика суратлари, конструктор ҲАМОНЧИҚЛАР (йиғиш, тўплаш, қуриш). 3-6 ёш учун: кошоклар, пластелин, кубиклар. Қасбга оид ҲАМОНЧИҚЛАР – шифокорлар, қурилиш, дурадгорлар асбоблари. Йирик авто ҲАМОНЧИҚЛАР (вагон, самолёт, поезд). Қалам, фломастер, акварель, елим, қоғозлар. Стол ҲАМОНЧИҚЛАРИ – домино. Қоньки, чанги. Чўмилиш балони, расм бўяйдиган китоблар. Уйча, ҳарфлар тўплами.



хориждан келтириладиган ҲАМОНЧИҚЛАР “ҲАМОНЧИҚ ВА ҲАМОНЧИҚЛАРНИ БОЛАЛАР СОҒЛИГИГА ХАВФСИЗ САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ” номли 0287-10 санитария қоида, меъёри ва нормативларга мос бўлиб органолептик, механик, кимёвий, физик кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

ҲАМОНЧИҚЛАР ҚОҒОЗ, қартон, тери, мато, металл, резина, пластмасса, мўйна, пиша, фарфор, тахта, фанер ва бошқалардан ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин. Уларга ранг бериш учун турли сийёҳ, гел, лак, графит, рангли бўёқлар ишлатилади. ҲАМОНЧИҚЛАР БОЛАЛАР ТАНАСИГА ЖАРОҲАТ ЕТКАЗМАСЛИГИ УЧУН қирралари текис бўлиши талаб қилинади. Улар мустақам бўлиши керак. Чунки ҲАМОНЧИҚДАН ажралган майда бўлақларни болалар озига солиши ва ютиб юбориши мумкин.

Қандай ҲАМОНЧИҚЛАР ТАВСИА ЭТИЛМАЙДИ!

Улкан махлуқ шаклидаги жониворлар, роботлар шаклидаги, “Уруш-уруш” ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ мўлжалланган ҲАМОНЧИҚЛАР БОЛАДА тажовузор руҳ уйғотлади.

Жузли паҳмоқ ҲАМОНЧИҚЛАР: айиқча, қуёнчаларнинг жуни бола озига кириши, кичиштириши, аллергия чақириси мумкин. Қўз тугмачаларини эса бола узиб ютиб юбориши эҳтимолдан холи эмас.

Шовқинли ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ баъзилари рок, рэп каби жазавага соладиган муסיқалар ёзилган. Муסיқали ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ албатта, эшитиб кўринг, сокин ва кайфиятни кўтарадиганини танланг. Асабий бузадиган ва балад овозлисини харид қилманг.

Автомат ҲАМОНЧИҚЛАР ҳам тавсия этилмайди. Улардаги жангари овоз, ўқлар тўплами болага ижобий таъсир этади, деб айтиш мумкин.

Барби кўғирчоқлари. Ёш аёл тасвиридаги озгин, замонавий, пардозланган ва очик либослардаги бундай кўғирчоқлар болаларга тўғри келмайди.

Хар бир бола – шахс! Уни баркамол вояга етиши учун атроф-муҳитни, ҳуусан, у ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ аҳамияти беқиёс экани ёдимизда бўлсин!

Рауф Касимов – Республика ДСЭМ болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлимининг санитария вазири: – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва



Сўнги йилларда полимер ва пластмассадан ишланган ҲАМОНЧИҚЛАРНИНГ кўпаймоқда. Айрим хусусиятлар нуқтани назаридан бу яхши ҳолат, чунки полимер ва пластмассадан ишлаб чиқилган ҲАМОНЧИҚЛАР силлиқ бўлади, уларни ювиш ва зарарсизлантириш осон. Лекин полимер ва пластмасса ҲАМОНЧИҚЛАРИ сифатсиз бўлса, зарарли мономерлардан фенол, формальдегид, фталат, дибутилфталат ва бошқа бирикмаларни ажратиши мумкин. ҲАМОНЧИҚ САЛБИЙ таъсирининг олдини олиш мақсадида уларда ҳид бўлиши, кимёвий воситалар ҳавага ажраллиши, ҳатто шовқин даражаси ўрнатилган санитария меъёри талаблардан ошишга йўл қўйилмайди. Шу сабабли хориждан олиб келинаётган ва юртимизда ишлаб чиқариладиган ҲАМОНЧИҚЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН лабораторияларда текширилиб, сертификатга эга бўлиши шарт.

2015 йилда республикамызда сотилиётган 7609 ҲАМОНЧИҚ НАМУНАЛАРИ ТЕКШИРИЛГАН ВА 45 НАМУНА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИГА МОС КЕЛМАСЛИГИ АНИҚЛАНГАН.

Ўрнатилган тартибга мувофиқ юқумли касалликлар, овқатдан ва бошқа турдаги захарларни юзага келганда шошилиш тиббий ёрдам станцияси, шифохона, амбулатор-поликлиника муассасалари навбатчилари ҳодиса тўғрисида навбатдан ташқари шошилиш ахборотни Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборишлари керак. Айни пайтга қадар ҲАМОНЧИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ, нохуш аҳволга тушган болалар тўғрисида муурожаатлар бўлмаган. Бу ота-оналар фарзандлари соғлигига, маънавий камолотига жиддий эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

Олий ўқув юртига ўқишга қирамлигим сабабли Гулистон шаҳарида яшаш учун ижарага уй олмоқчимиз. Менга ижара берувчи ва ижарачининг вазифаси ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот берсангиз, илтимос.

Д.Пўлатова,
Ховос тумани

ИЖАРАГА УЙ ОЛМОҚЧИМАН...

Шириноий Қаршиева, Сирдарё вилояти, Ширин шаҳар ДНИ нотариуси: – Уй-жойни ижарага бериш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 603-моддасига мувофиқ ёзма шаклда тузилади. Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Ижарага берувчи сиз (ижарага олувчи)га доимий яшаш учун яроқли бўш уй-жойни бериши лозим. Ижарага берувчи

ижарага берилган тураржой жойлашган уйдан тегишли даражада фойдаланишни амалга ошириши, сиз (ижарага олувчи)га ҳақ эвазига зарур коммунал хизмат кўрсатиши ёки хизмат кўрсатилишини таъминлаши, кўп квартирالي уйнинг умумий фойдаланиладиган мол-мулкни ва тураржой билан таъмирланишини таъминлаши керак. Шунинг баробарида (ижарага олувчи)нинг ҳам мажбуриятлари мавжуд. Жумладан, уй-жойдан фақат унинг вазифаси бўйича

Сўранг, жавоб берамиз

фойдаланиши, уй-жойнинг сақланишини таъминлаш ва яхши ҳолда тутиши, ижара берувчининг розилигисиз уй-жойни қайта қуриши ҳамда тузилишини ўзгартиришга ҳақли эмаслиги, уй-жой ҳақини ўз вақтида тўлаб туриши, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи коммунал хизматлар ҳақини мустақил тўлаши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 607-моддасида белгиланган бўлади.

“Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамisha эзгу орзу ва интилишлар билан ашайди”, деб ёзади Президентимиз Ислам Қаримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асариди. Истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимизда ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғонин оила институтига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз раҳнамолигида нафақат итисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам кучли жамият, қудратли давлат барпо этишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Утган йиллар давомида бу борада юксак натижаларга эришдик. Шундай экан, миллий маънавиятимизга заррача бўлсин таъсир кўрсатадиган барча омиш ва мезонларни чуқур таҳлил қилишимиз, ўрганишимиз, хулоса чиқаришимиз шарт. Шу ўринда ҳаётимизнинг ажралмас бўлаги бўлган тўй, маърака ва бошқа турли маросимлар ўша омишларнинг салмоқли қисмини ташкил этишини ҳам унутмаслик даркор.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида “Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини иноватга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда”, деб таъкидланган.

Утган вақт мобайнида тўй, маърака ва маросимларни ихчамлаштириш, камтарона, камчилик қилиб ўтказиш бўйича муайян натижаларга эришдик. Тўғрироғи, “куёв оши”, “фотиҳа”, “чарлар”, “қиз чақирди”, “келин чақирди”, “қиз баъзи” сингари керакисиз одатлар, ортиқча зиёфатлар бир мунча камайди. Бироқ ҳали ҳамон тўйлардаги дабдабозлик, ҳашам ва серчиқимликдан қутулолганимиз йўқ.

...Тўйлар мансуми бошланди. Столим устида тахляниб турган тақлифномаларга қараб ўйланиб қоламан: бирига борсам, бошқасига улгуролмас эканман. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тўқис. Қанча тўй қилсак, ярашади. Фақат меъёрни унутиб қўяётганимиз чатоқ. Йўқ жойдан пайдо бўлаётган янгича удумлар-у, тобора мустаҳкамланиб бораётган эски одатлар – ўғил уйлантириш, айниқса, қиз

чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар ошиб бораётгани ёмон.

МУАММОНИ ЎЗИМИЗ

“КАШФ” ҚИЛАМИЗ

Элга дастурхон ёзиб, никоҳни маълум қилиш энг гўзал удумларимиздан бири. Аммо орамизда икки ёшнинг бошини қовуштириш баҳонасида атрофдагиларга мол-дунёсини кўз-кўз қилмоқчи бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, қиз узатаётган кишиларнинг ҳаддан ортиқ ҳашамга берилишлари оқибатида

ҳашамату исрофгарчилик оилавий бахтни нақд қиладими? Афсуски, бу саволга ҳеч биримиз жавоб беролмаймиз.

Саидабзал Саиджалолов, Тошкент ислом университети катта ўқитувчиси:

– Тўй-маросимлардаги ортиқча чиқим, дабдабозлик оқибатида келиб чиқаётган исрофгарчиликлар бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Пайгамбаримиз Муҳаммад (сав)дан ривоят қилинган ҳадисда: “Никоҳнинг яхиси – таъминоти

ҚИЗ УЗАТГАНГА ҚИРҚ ЙИЛ ТЕГМАНГ

ёхуд яна тўйлар, ортиқча дабдабозлик ва керакисиз сарф-харажатлар ҳақида

қарзга ботганлар ҳақида кўп эшитипмиз. Оилада қиз фарзанд дунёга келган заҳоти яхши ният билан унга сеп йиғиш бошланади. Айрим оилаларда қиз боланинг сенига бўлган эътибор, унинг илм олиши ва саломатлигига бўлган эътибордан анча устунроқ. Сандиқ бежирим либослар-у, хорижнинг матолари билан тўлиб турганда, келиннинг илми билан биров қизқармиди? Маълумотларга кўра, қиз узатишга юртимизнинг худудларга қараб, 10 миллион сўмдан 60 миллион сўмгача маблағ сарфланар экан.

“ЎҒРИ” КУЁВЛАРУ БУЮРТМАЧИ ҚАЙНОНАЛАР

Куёв томондан келин томонга бўлаётган буюртмалар ҳақида тез-тез эшитадиган бўлиб қолдик. “Куёв бўлмиш келиннинг молини сўраб-суриштирдими, билингни, у ўғридир”, дейди улуг олим Суғён Саврий. Афсуски, “ўғри” куёвлар кўпайиб кетди. Тўй куни аниқ бўлди дегунча келиннинг ота-онаси мебель дардида беҳаловат бўлади. Бугун ётоқ мебели ва меҳмонхона жиҳозининг ёнига юмшоқ мебель қўлиб олиб бориш ҳам урғга кирди. Мебелларнинг нархи ҳам унча-мунча эмас. Меҳмонхона мебелларининг ўртача нархи 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача, ётоқ мебеллари ҳам деярли шу баҳода. Баъзилар ўзимизда ишлаб чиқарилган мебеллардан қониқмай, хорижникини тусаяпти. Тўй либослари салонларидаги нарх-наволарни асаби чатоқроқ одам эшитмагани маъқул. Бир неча соатга кийиладиган келин қўйлакнинг ижара нархи бир миллион сўмдан бошланади, эллик-олтмиш миллионгача баҳоланади. Савол тувилади – шунча сарф-харажат,

енгилроқ бўлганидир, аёлнинг яхши-маъри енгил бўлганидир”, дейлади. Бу муаммо бугун пайдо бўлгани йўқ. XX аср бошларида Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Хожи Муин сингари миллилатимиз маърифатпарварлари ҳам бизни маънавий таназулгача етаклаётган тўй-маросимлардаги ортиқча сарф-харажатлар ҳақида оғриниб ёзганлар ва уларни ихчамлаштириш бўйича қонуний асос бўлиши лозим, деб



ҳисоблаганлар.

Мустақиллик йилларида ажодларимизнинг орзулари ушалиб, 1998 йил 28 октябрда Президентимизнинг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказишнинг тартибга солиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Шунингдек, 2002 йил 28 декабрда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг “Тўй-ҳашам, маърака-маросимларни тартибга солиш ҳақидаги” фатвоси эълон қилинди. Унга кўра тўй-ҳашам, маърака-маросимларга сарфланадиган мол ҳалолдан

Мулоҳаза учун мавзу

бўлиши, эҳсон ҳолис ниятда қилиниши ва исрофгарчиликка йўл қўйилмаслиги керак. Қолаверса, шариятимиз буюргани бўйича никоҳ тўйининг барча сарф-харажати куёвнинг зиммасида бўлиши лозим. Афсуски, бунинг аксини кўряпмиз.

Гулчехра Умарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Истиқлол берган имкониятлар, Президентимиз яратиб бераётган шарт-шароитлар туфайли турмушимиз фаровонлашиб, моддий жиҳатдан тўқислашиб борапмиз. Пулимиз кўпайгани сари орзу ҳавасларимиз ҳам ошиб бормоқда. Миллий маънавиятимизни юксалтиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, афсуски, баъзиларнинг маънавияти кўтарилиш ўрнига пасайиб кетаётган-дек. Бу жуда ҳам ачинариди. Кибрга берилиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш инсонийликка тўғри келмайди. Айримлар “Тўйнинг ортиқча удумлари, сарф-харажатлари аёллардан чиқади”, деб ҳамма айбни аёлларга ағдаришади. Қўшилмайман бу гапга. Эрақ тўйнинг бошида туриб аёлга

гапини ўтказолмас, керакисиз сарф-харажатларнинг олдини ололмас, нима қилиб юрибди? Аёлдир, эрақдир, аслида, ҳамма нарса билимга бориб тақалади. Фарзандларимизни китоб ўқишга ўргатишимиз керак. Оила асосларини, муқаддаслигини болаларимизга тушунтиришимиз лозим.

Барно Рўзиева, Тошкент шаҳридаги “Наврўз” никоҳ уйи мудираси:

– Яқинда ўта ҳашамдор тўйга гувоҳ бўлдик. Шу даражада ҳашамдорки, тўй эгаси тўйхонани ўз дидига мослаб қайтадан кургандек тўб. Афсонавий тўй бўлди. Афсуски, бир неча ойдан сўнг икки ёш ажрашди. Тўйга кетган шунча сарф-харажат қайга кетди?

... Тўй бошладиганими, юртдош? Муборак бўлсин! Халқимизнинг энг яхши тилаги ҳам, дуолари ҳам тўйларимиз билан боғлиқ. Биз бир-биримизга тўй, демаски, яхшилик, фаровонлик, тўқинлик тилайдиган халқмиз. Ҳаммамизни тўйларга етказсин. Фақат бир мулоҳаза: қиз узатганга қирқ йил тегма, деган кўнча мақолимизнинг замонавий талқини қандай бўларкан? Бугун қиз узатганга неча йил тегмаслик лозим экан?

Умида АДIZОВА,

“Оила ва жамият” мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

“Оила ва жамият” газетаси “Онам – бебаҳо давлатим”, “Отам – гурурим, савлатим” руқилари остида танлов эълон қилади. Танлов шартларида кўра отангиз ёки онангиз ҳақида айтмоқчи бўлган сўзларнингизни, дилно ва ёдномаларингизни қуйидаги манзилга йўллашиниз мумкин. Сара материаллар газетамизда чоп этиб борилади. Ғолиблар йил якунида, муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари асосида аниқланиб, “Оила ва жамият”нинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади. Мақбулингизга ота-онангизнинг фотосуратларини илова қилишни унутманг.

Манзилимиз: Тошкент – 100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй, oilavajamiat@mail.ru “Онам – бебаҳо давлатим”, “Отам – гурурим, савлатим” танловига деб ёзинг.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

“Оила ва жамият” газетаси “Оилам – муқаддас кўрғоним” мавзусида фотосуратлар танловини эълон қилади. Танлов шартига кўра суратларда оилангизнинг тинч-товушлиги, фаровонлиги, файзу баракаси, қувончи, фарзандлар камоли юксак бадиий савияда акс эттирилган бўлиши лозим. Сара фотосуратлар газетамизда эълон қилиб борилади. Ғолиблар йил якунида, муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари асосида аниқланиб, “Оила ва жамият”нинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади. Суратларнинг JPG форматда, ҳажми 300 пикс/дюймдан кам бўлмаслиги сўралади.

Манзилимиз: Тошкент – 100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй, oilavajamiat@mail.ru “Оилам – муқаддас кўрғоним” танловига деб ёзинг.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



Оила ва жамият

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:
Воҳид Луқмонов

Обуна
индекси – 176

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000,
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3906. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Масъул муҳаррир: О. Жумабоев
Мусаххиллар – С. Сайдалимов,
К. Адашбоева

Газета таҳририят компьютер марказида
теринди ва саҳифаланди
Саҳифаловчи – А. Маликов

ISSN 2010-7609



7 720 10 760 007